ТАСДИҚЛАЙМАН

“Қашқадарёйўлкўкалам” УК

директори_______________М.Чаршанбиев

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Қарши т.-2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: “Қашқадарёйўлкўкалам” УК объекти 4р-87 “А-378 а/й.дан Қарши ш.га кириш” автомобиль йўлининг 43-47 км қисмларида йўл четидаги дарахтларни сўғориш тизимини қурулиш.

1.1. Танлов охирги қиймати ________________ сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.2. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб хисобланади (аванс ва жорий молиялаштириш Маблағ билан таъминловчи орган томонидан тўловлар амалга оширилиши билан Молиялаштириш жадвали асосида бажарилган ишлар ҳисобида амалга оширишга розимиз).

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Қашқадарёйўлкўкалам” унитар корхонаси (бундан кейин “буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.
“Буюртмачи” манзили:, Кашқадарё вилояти Қарши туамни Сарой МФЙ

2.3. Танлов “Буюртмачи” тамонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объктига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари туғрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда); Низом маблағи миқдори.

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур булса,

танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодоланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утқазиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Бюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура ўзбек тилида тақдим этиши керак.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: Техник кием, Бюртмачи тамонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; Нахлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлик курсаткичлар курсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тулиқ булиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар: Техник таклиф Ферменни бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда, Нархлар таклифи нархлар буйича жадаллаштирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси: -тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар булади; -Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкун.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТАЪМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчиси деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат бюртмачиси билан ўрнатилган тартибда муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Давлат бюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборни камида ун кунга узайтирилаиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утқазиш тўғрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат бюртмачисига суров юборишга хақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат бюртмачиси, агар мазкур суров давлат бюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклиқларни куриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон қилингандан сунг давлат бюртмачисига танглов

натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида суров юборишга хақли. Давлат бюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

Бош иқтисодчи: Н.Эшмирзаев